

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан
Покистон Ислом Республикаси Федерал даромадлар бошқармаси
ўртасида давлат чегарасидан олиб ўтиладиган товарлар ҳақида
олдиндан ахборот алмашиш тўғрисида
ПРОТОКОЛ**

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Покистон Ислом Республикаси Федерал даромадлар бошқармаси (кейинги ўринларда “Томонлар” деб аталувчилар),

2001 йил 25 январда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида уларнинг божхона маъмуриятлари ўртасида ўзаро кўмак бўйича Битим қоидаларига асосан,

ўз давлатларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Томонлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлашга интилиб,

Томонлар давлатларининг давлат чегаралари орқали олиб ўтиладиган товарлар устидан божхона назоратининг самарадорлигини ошириш заруриятини тан олиб (кейинги ўринларда “чегаралар” деб аталади),

Ўзбекистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикаси ўртасида ўзаро савдони соддалаштириш учун қулай муҳит яратиш мақсадида,

Томонлар давлатларининг қонунчилиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Жаҳон Божхона Ташкилотининг стандартлари ҳамда тавсиялари, шунингдек, ахборот алмашиш соҳасида халқаро тажрибага амал қилган ҳолда,

чегаралар орқали олиб ўтиладиган товарлар импорт қилинган жойларда ҳам, Томонлар давлатлари ҳудудларидаги божхона органларида ҳам божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартибларини тезлаштириш мақсадида,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

1. Томонлар, бир Томон давлати ҳудудидан олиб чиқиб кетиладиган товарларни рўйхатдан ўтказишда олинган маълумотларни (кейинги ўринда олдиндан бериладиган ахборот деб аталади) башарти бунда товарларни олиб кириш манзили бошқа Томон давлати ҳудудида бўлса, реал вақт режимида электрон тарзда алмашадилар.

2. Томонлар олдиндан бериладиган ахборотдан хавфсизликни таъминлаш ва савдони соддалаштиришда фойдаланадилар.

3. Олдиндан бериладиган ахборот алмашиш Томонлар ўртасида тўғридан-тўғри амалга оширилади.

4. Томонлар ўртасида ахборот алмашиш, уларнинг ваколатлари доирасида ва Томонлар давлатларининг миллий қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

2-модда

1. Томонларнинг ҳар бири, башарти товарларни олиб кириш мўлжалланган жой бошқа Томон давлатининг ҳудуди бўлса, Томонлар қабул қилган техник шартларга мувофиқ товарларни экспорт қилиш ва божхона расмийлаштирувлари амалга оширилган экспорт товарлари учун божхона декларацияси расмийлаштирилгандан сўнг ахборотларни бошқа Томонга электрон шаклда юборади.

2. Томонлар давлат чегараларини кесиб ўтган товарларни божхона назоратидан ўтказишда хавфларни таҳлил қилиш ва бошқариш усулларига мувофиқ олдиндан бериладиган ахборотдан фойдаланадилар.

3-модда

1. Мазкур Протокол қоидаларига мувофиқ Томонлар олган олдиндан бериладиган ахборотлардан фақатгина божхона мақсадларида фойдаланилади ва Томонлар давлатларининг миллий қонунчилигига асосан уларни давлат идораларига тақдим қилиш ҳолатларидан ташқари ушбу маълумотларни тақдим қилган Томоннинг олдиндан ёзма розилигисиз учинчи томонга ошқор қилинмайди.

2. Томонлар ўз давлатларининг қонунчилигига мувофиқ олинган ахборотларнинг махфийлигини таъминлайдилар.

4-модда

1. Томонлар давлатларининг миллий божхона қонунчилиги бузилган тақдирда, Томонлар ўз давлатларининг миллий қонунчилигига мувофиқ уларни бартараф қилиш бўйича муносиб чора-тадбирларни кўрадилар.

2. Томонлар давлат чегаралари орқали товарлар ва транспорт воситаларининг ўтиши натижасида олинган ахборотларнинг номувофиқлиги ёки ноаниқлиги тўғрисида бир-бирларини хабардор қилишлари мумкин.

5-модда

Томонлар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:

а) олдиндан бериладиган ахборот алмашишнинг Техник шартларини ишлаб чиқиш ва ўзаро келишиш;

б) олдиндан бериладиган ахборот алмашишнинг ахборот тузилишини аниқлаш;

с) зарур классификаторларни ишлаб чиқиш ва келишиш;
д) узатиладиган ахборотнинг ҳимоясини таъминлаш чораларини келишиш;

е) олдиндан бериладиган ахборот билан муайян товарларни импорт қилиш тўғрисида маълумотларни боғлаш усулини келишиш.

Мазкур Протокол имзолангандан кейин икки ҳафта ичида Томонлар ўртасида олдиндан ахборот алмашиш механизмини ишлаб чиқиш мақсадида алоқа учун масъул шахслар (барча ахборотлар билан) тайинланади.

6-модда

1. Мазкур Протоколнинг 1-моддасини амага ошириш мақсадида Томонлар олдиндан бериладиган ахборотлар алмашиш бўйича тажриба лойиҳасини ташкил қиладилар ва амалга оширадилар.

2. Томонлар мазкур Протокол имзоланган санадан олти ой ичида мазкур Протокол 5-моддасининг амалга оширилишини таъминлаш ва зарур бўлган тадбирларни бажариш муддатларини келишиб оладилар.

3. Техник тадбирларни уйғунлаштириш мақсадида, Томонлар олдиндан бериладиган ахборот алмашиш бўйича зарур чораларни кўрадилар ва бир-бирларини тажриба лойиҳасини бошлашга тайёрлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қиладилар.

7-модда

Тажриба лойиҳаси натижаларига асосан, Томонлар олдиндан мунтазам ахборот алмашиш санаси тўғрисида ўзаро қарор қабул қиладилар ва бир-бирларини мазкур қарор тўғрисида ёзма равишда хабардор қиладилар.

8-модда

Томонларнинг ўзаро ёзма келишувига мувофиқ мазкур Протоколга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Бундай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилади ва мазкур Протоколнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

9-модда

Мазкур Протоколни қўллаш ва (ёки) талқин қилиш билан боғлиқ келишмовчиликлар Томонлар ўртасида маслаҳатлашув ва музокаралар орқали ҳал этилади.

10-модда

Мазкур Протокол қоидалари Томонларнинг улар ахдлашувчи томонлар ҳисобланган бошқа халқаро битимлардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди.

11-модда

1. Мазкур Протокол имзоланган санадан бошлаб кучга киради ва беш йил давомида амал қилади. Мазкур муддатнинг тугаши билан, у ўз-ўзидан навбатдаги беш йиллик муддатларга узаяверади.

Мазкур Протокол исталган вақтда Томонлардан бирининг мазкур Протоколни амал қилишини тугатиш нияти тўғрисида бошқа Томонга олти ой олдин дипломатик каналлар орқали ёзма хабарнома юбориши орқали тугатилиши мумкин.

2. Мазкур Протоколнинг амал қилиши Томонлардан бирининг мазкур Протоколни тугатиш нияти тўғрисида бошқа Томонни хабардор қилган санадан бошлаб олти ой ўтгач тугатилади.

Тошкент шаҳрида 2021 йил 15 июлда, икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар тенг аутентикдир.


Талқин қилишда тафовутлар юзага келган тақдирда, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитаси
номидан



Муротжон Азимов
Раис

Покистон Ислом Республикаси
Федерал даромадлар бошқармаси
номидан



Саид Муҳаммад Тарик Худа
Аъзо
(божхона операциялари бўйича)